Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 9-aprel, payshanba, № 45 (3550)

Амир Темур — халқимиз даҳосининг тимсоли, маънавий қудратимиз рамзидир.

Ислом КАРИМОВ

9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

ЖАСОРАТ, БУРЧ, МАТОНАТ

Ўзбекистонда жорий йилда умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш куни «Жасорат, бурч, матонат» шиори остида кенг нишонланади

Мамлакатимизда истиқлол йилларида ҳар йили 9 майда нишонланадиган умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш куни ўз ҳаётини Ватан озодлиги учун қурбон қилган юртдошларимиз хотирасига кўрсатилаётган эҳтиром, бугунги дориломон кунлар, тинч-осойишта ҳаётимиз ва халқимиз фаровонлиги учун фахрланиш ҳамда миннатдорлик рамзига айланди.

Айнан шу боис ушбу муҳим сана ҳар бир оила, ҳар бир маҳалла ва умуман, мамлакатимизда тантанали нишонланади. Жорий йилда бу сана Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги муносабати билан янада кенг байрам қилинади.

Фашизмга қарши урушда мардона жанг қилган, оғир машақкат-у мусибатларни бошдан кечирган қаҳрамонлар ва халқимиз асрлар давомида орзу қилган эркинлик учун ўз жонини қурбон қилганлар хотираси ҳамиша ёдимиздадир. Мамлакатимизда фахрийларга доимий ғамхўрлик кўрсатилиб, улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Президентимизнинг 2014 йил 13 октябрдаги "1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида", 2015 йил 6 мартдаги "1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида" ва 2015 йил 19 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги» эсдалик юбилей медали билан мукофотлаш тўғрисида»-ги фармонлари бунинг ёрқин далилидир.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 26 мартдаги умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги фармойиши мамлакатимизда уруш ва меҳнат фронти фахрийларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатилаётганини тасдиқловчи яна бир муҳим ҳужжатдир.

Мазкур ҳужжат Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тадбирларни юксак ташкилий савияда ўтказиш, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 70 йиллигини нишонлаш, уруш ва меҳнат фронти фахрийларига эътибор ва ғамхўрликни янада кучайтириш, уруш йилларида улар кўрсатган матонат ва жасоратни кенг тарғиб қилиш мақсадида қабул қилинди.

Ҳужжатга мувофиқ, Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш дастури тасдиқланди. Ушбу тадбирлар «Жасорат, бурч, матонат» шиори остида ўтказилади. Дастурни амалга оширишда давлат органлари, жамоатчилик, ижтимоий ва тиббиёт муассасалари, маданият, санъат ва спорт намояндалари, ҳарбий хизматчилар муҳим ўрин тутади.

9 май арафасида мамлакатимизда 1941-1945 йиллардаги уруш фахрийларига Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медали ва бир марталик пул мукофоти тантанали равишда топширилади.

(Давоми 3-саҳифада).



КЎНГИЛДА МАМНУНЛИК БИЛАН...

Жиззах тумани Қангли қишлоғида яшовчи 89 ёшли Ҳайдар ота Эгамқулов айни ўсмирлик даври — 17 ёшида Иккинчи жаҳон урушига кетди.

Урушдан қайтгач, хўжаликда ҳайдовчи, сўнг автомобиль мактабида ўқитувчилик қилди. Олти фарзандни тарбиялаб, вояга етказди. Бугун фарзанду набиралари меҳр-ардоғида умргузаронлик қилаётган отахон мамлакатимизда фахрийлар, айниқса, уруш қатнашчиларига кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликлардан ғоят мамнун.

Суратда: *Ҳайдар ота Эгамқулов эваралари билан.*

ЎзА фотомухбири Шерзод НАЗАРОВ олган сурат.

БУНЁДКОРЛИК

Бухоро туманида маданият ва аҳоли дам олиш марказининг мукаммал таъмирдан чиқарилган биноси фойдаланишга топширилди.

ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

Марказда аҳолининг бўш вақтини самарали ва мазмунли ташкил этиш, санъат ва спортга қизиқадиган ёшларнинг истеъдодини камол топтиришга хизмат қиладиган кенг имкониятлар яратилди. 450 ўринли томоша зали жиҳозлари янгиланди, саҳнага замонавий ёритгичлар ўрнатилди. Компьютерлаштирилган овоз ёзиш студияси, миллий эстрада ва бошқа йўналишдаги тўгаракларга ўқувчилар қизиқишига кўра жалб этилади.

— Қарийб 440 миллион сўмлик бунёдкорлик ишлари амалга оширилган марказда оммавий тадбирлар, маданият ва санъат йўналишларида турли танлов ва фестиваллар ўтказиш режалаштирилган, — дейди туман маданият ва спорт ишлари бўлими мудири Чўян Ҳамидов. — Бу туманимиз ёшларининг истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

ЎзА

МАФТУНИНГМАН, ЎЗБЕКИСТОН!

Амир Темур — халқимиз даҳосининг тимсоли, фахру ғуруримиз рамзидир. Қарийб етти юз йилдан буён асл таровати ва маҳобатини йўқотмаган обидалар, бугун юртимизда барпо этилаётган замонавий иншоотларда бобокалонимизнинг «Чиндан ҳам ишларимиз бизни кўрсатиб туради!» деган машҳур сўзлари ўз ифодасини топмоқда.

ЎзА мухбири Амир Темур хиёбони ва Темурийлар тарихи давлат музейида бўлиб, хорижлик сайёҳларнинг фикрларини ёзиб олди.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҲАР БИР ШАҲРИ АМИР ТЕМУР НОМИ БИЛАН БОҒЛИҚ

Тхуан КАН (Жанубий Корея):

— Амир Темур буюк саркарда, адолатли подшоҳ, моҳир дипломат сифатида дунёда довруқ қозонган. Ғоят улкан ҳудудда тартиб-интизомга асосланган салтанат барпо этиб, халқаро савдо-сотиқ, жаҳон илм-фани ривожига беназир ҳисса қўшган. Шу боис Амир Темур давлати тарихи бутун дунёда, жумладан, Жанубий Кореяда ҳам ўрганилади.

Ўзбекистонга келишни анчадан буён ният қилардим. Пойтахтингиз марказида Амир Темур тарихига оид музей борлигини эшитиб жуда хурсанд бўлдим. Чунки бу инсонга меҳрим, қизиқишим баланд. Музейда Соҳибқирон ва унинг авлодлари даврига оид ашёларни кўриб, кўплаб қизиқарли нарсаларни билиб олдим. Шаҳрисабз ва Самарқанддан топилган қадимий бинолар қопламалари намуналари, улардаги безаклар ва ранглар етти юз йилга яқин вақт ўтса-да, ўз ҳолатини ўзгартирмагани ҳар қандай кишини ҳайратга солади. Ўша даврга оид қимматбаҳо матолар, олтин, кумуш ва бронзадан ясалган хилма-хил идишлар, уй-рўзғор ва заргарлик анжомлари Амир Темур нафақат буюк давлат арбоби, балки илм-фан ва ҳунармандлик ҳомийси бўлганини ҳам кўрсатиб турибди.

Марселон ДЕФОССЕ (Франция):

— Ўзбекистонга илк ташрифим жуда мазмунли ўтмоқда. Самолётдан тушишим билан юртингизнинг илиқ тафти, халқингизнинг ширинсуханлиги ва меҳмондўстлиги эътиборимни тортди. Амир Темур ва Темурийлар, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарлари ҳақида жуда кўп эшитганман. Ўзбекистоннинг ушбу қадимий шаҳарларини, тилларда достон тарихий обидаларини томоша қилар эканман, темурийлар даврида фан ва санъатнинг гуллаб-яшнаганига, бунёдкорлик ишларига катта эътибор қаратилганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Валериан ТЕОДОРЧИК (Польша):

— Ўзбекистонга бизнес юзасидан тез-тез келиб тураман. Ҳар гал келганимда янги-янги қурилишлар, улкан ўзгаришларга гувоҳ бўламан. Тошкентга бир-икки йил аввал келган киши пойтахтингизни таниёлмай қолиши тайин.

Амир Темур хиёбони ҳамда унга ёндош ҳудудларда амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари шаҳар қиёфасини янада ўзгартирган. "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройи ва "Маърифат маркази" мажмуи мамлакатингизда илм-маърифатга, санъатга қаратилаётган эътибор ифодасидир.

Ўзбекистонда улуғ аждодларнинг сўнмас хотирасига чексиз эҳтиром кўрсатилиши ҳар қадамда намоёндир. Жумладан, тарихда ўчмас из қолдирган буюк сиймо Амир Темур номи билан аталган кўчаю хиёбонлар халқингизнинг ўз аждодлари ва бой тарихига ҳурмат-эътибори баланд эканидан далолат беради.

Ортвин КРОНБЕРГ (Германия):

— Ғарб мамлакатларида Амир Темур ҳаёти, давлатчилик фаолиятига қизиқиш ҳамиша юқори бўлган, XV асрдаёқ ушбу буюк зотга ёдгорлик ўрнатилган. Дунёга шундай улуғ инсонни берган Ўзбекистонга келганимдан жуда хурсандман.

Юртингизнинг кўп жойларида бўлганман, Самарқанд, Шаҳрисабз, Бухоро, Хива, Термиз ҳақида ўқиганман. Шунга амин бўлдимки, Ўзбекистоннинг ҳар бир шаҳри Амир Темур номи билан боғлиқ. Айниқса, Самарқанд ва Шаҳрисабзда Амир Темур қурдирган иморатлар халқингизнинг табаррук зиёратгоҳига айланганига гувоҳ бўлдим. Бу тарихий обидалар дунё сайёҳларини ўзига тортмоқда, ҳайратга солмоқда. Мазкур бетакрор тарихий ёдгорликларга боқиб, аждодларингиз даҳоси, халқингизнинг яратувчанлик ва бунёдкорлик салоҳияти нечоғлик юксак эканига яна бир карра ишонч ҳосил қилдим.

Бугун Ўзбекистонда буюк аждодларингизга муносиб ворислар — баркамол авлод етишиб чиқаётгани қувонарли. Замонавий билимлар ва хорижий тилларни чуқур ўзлаштирган, ўзига ва эртангни кунга ишонган бу ёшлар мамлакатингиз тараққиётига улкан ҳисса қўшишига шубҳа йўқ.

ЎзА мухбири Ирода УМАРОВА ёзиб олди

ТОМОРҚА — ХАЗИНА

Маҳалламиз хонадонларига қарашли 74 гектар томорқадан олинаётган маҳсулотлар оилалар эҳтиёжини қондирибгина қолмай, бозорларимиз тўкинлигига муносиб улуш қўшаётир. Ҳозирги пайтга келиб иссиқхоналар сони 40 тага етди. Бу бултургига нисбатан 28 тага кўпдир.

МУНОСИБ УЛУШ

Жалойир ҚФЙ тасарруфидаги қишлоқ ва маҳаллаларда миллий ҳунармандчилик ҳам яхши ривожланган. Чорвачилик, боғдорчилик, асаларичилик, паррандачилик билан шуғулланувчи оилаларнинг саноғига етиш қийин.

Яқинда Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Кармана туман кенгаши раиси Ўткир Ражабов ҳамкорлигидаги ишчи гуруҳ аъзолари қишлоқ ва маҳаллаларимизда бўлиб, ҳудуддаги фойдаланилмаётган ерларни ободонлаштириш ва шу йўл билан уларни даромад манбаига айлантириш борасида зарур маслаҳатларни беришди. Оилавий тадбиркорлар, деҳқон хўжаликларида меҳнат қилувчи аъзоларнинг доимий ишчи сифатида рўйхатга олиниши борасидаги амалий тавсиялар барчага манзур бўлди.

Ориф БЎРОНОВ, Кармана тумани "Юқори буғ" МФЙ раиси

ТАДБИР

ФАРОВОНЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Тошкент Молия институтида Марказий банк билан ҳамкорликда "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда банк тизимининг ўрни" мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

Унда Марказий банк етакчилигида тижорат банклари кўмагида юртимизда ёш тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик соҳасидаги билим ва кўникмаларини ошириш, бизнес режаларини рўёбга чиқариш, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлашга қаратилган лойиҳаларни рағбатлантириш, ёшларни тадбиркорликка жалб этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ёшлар бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратишга оид кўплаб масалалар ўз ечимини топаётганига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Республикамизда айнан ёшларга кредитлар ажратиш борасида тижорат банкларининг фаолиятини тартибга солувчи мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий база шаклланган бўлиб, бу ёш тадбиркорларга куч ва имкониятларини тўла рўёбга чиқариш имконини яратмоқда.

— Банклар томонидан кўрсатилаётган хизматлар биз талаба-ёшларда тадбиркорликка бўлган қизиқишнинг ортишига хизмат қилмоқда. Бугунги тадбирда ҳам банк ходимлари тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга доимо тайёрлигини яна бир бор қайд этишди. Жумладан, ажратилаётган имтиёзли кредитларнинг кам фоизлиги биз ёшлар учун яна бир имкондир, — дейди Тошкент Молия институти талабаси Тоҳир Исмоилов.

Жамшид ЭРГАШЕВ, "Ishonch" мухбири

КАСАБА УЮШМАЛАРИ — АЁЛЛАР ҒАМХЎРИ

МУСОБАҚА, ҲОРДИҚ, САЁҲАТ

Олия опа ишларини эртароқ саранжомлашга киришди. Чунки, саҳарда сўлим гўша — Бўстонликда жойлашган "Оқтош" санаторийсида ташкил этилаётган мусобақада қатнашиш учун йўлга чиқиши лозим. Шу боис, ҳаммасига улгуриши керак. Ўзбек аёлининг юмуши кўп. Бир тарафда — ишхона, бир тарафда — оила. Барча-барчасини ўрнига қўймаса, хотиржам бўлолмайди.

Аёллар саломатлиги, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ҳар жабҳада кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, "Касаба-сайр" шўъба корхонаси, Санатор-курортлар бошқармаси ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган аёллар спорт фестивали Олия опадай кўплаб хотин-қизларнинг кўнглидаги тадбир бўлди.

Иккинчи бор ташкил этилган мазкур мусобақанинг саралаш босқичларида юртимизнинг энг чекка туманларида фаолият олиб бораётган тармоқ ходимлари ҳам иштирок этди. Жами 3500 дан зиёд хотин-қиз дўстона мусобақалашди. Бу — ўтган йилги иштирокчилар сонидан икки баробар кўп демакдир.

"Соғлом она — соғлом авлод ғарови" шиори остида ташкил этилган финал босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва пойтахтимиздан ташриф буюрган 140 дан ортиқ тармоқ ходими ғолиблик учун кураш олиб борди.

Тадбир ўтказиладиган жой сифатида "Оқтош" санаторийси танлангани бежиз эмас. Чунки, мазкур дам олиш маскани нафақат юртимиз, балки Марказий Осиёда тан олинган санаторийлардан бири. Мусаффо ҳаво, кўзни қувнатувчи гўзал манзаралар оғушида мусобақалашишнинг ўзгача гашти бор. Ҳам танинг чиниқади, ҳам дилга хушнудлик энади.

(Давоми 4-саҳифада).

2015-yil 9-aprel, payshanba, № 45 (3550), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

КАСАБА УЮШМАЛАРИДА ҳисобот-сайловлар йили

"Муборакнефтгаз" унитар шўъба корхонаси касаба уюшма қўмитасининг 2010 йилдан 2015 йилгача бўлган давр оралиғидаги фаолиятига бағишланган VIII конференцияси бўлиб ўтди.

Таъкидландики, корхонада ижтимоий шериклик тамойиллари асосида ходимлар ижтимоий-иқтисодий ҳимоясининг ҳуқуқий негизи яратилди. Меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнат муҳофазаси, ишчилар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, дам олишини ташкил этиш, касаба уюшмаларининг ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлигини таъминлаш, ишчи-хизматчилар ойлик маошларини ўз вақтида олишларини назорат қилиш, жисмоний тарбия ва маданий-маърифий ишлар, касаба уюшма фаолларининг ўқувини уюштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

ИЗЛАГАН ИМКОН, ИШЛАГАН ИШОНЧ ТОПАР

Ишчи-хизматчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ғамхўрлик қилиш корхона касаба уюшмасининг бош вазифаларидан бирига айланган. Жумладан, ижтимоий ривожлантириш хизмати муҳандиси Баҳриддин Маҳаматовнинг турмуш ўртоғи оғир дардга чалинганида, "Ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш базаси" ходими Илҳом Бозоровнинг турмуш ўртоғи жарроҳлик амалиётини ўтказганида, 2-гуруҳ ногирони Аҳадулло Сувонқулов ва жиҳозлаш базаси чилангари Мингбой Ашуровга саломатликларини тиклаш чоғида касаба уюшмаси томонидан моддий ёрдам кўрсатилди.

Корхонада "Унумли меҳнат ва баракали маош-ижтимоий ҳимоянинг энг яхши воситасидир" шиори остида қилинган саъй-ҳаракатлар натижасида ходимларнинг ўртача иш ҳақи 544 минг 318 сўмдан 1 млн. 607 минг сўмга ўсди. Яъни 2010 йилдагига нисбатан 295,2 фоизга кўпайди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, иш жойларини аттестациядан ўтказиш масалалари ҳам доимо диққат марказида. Ҳар бир цех, бўлимларда меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси бўйича махсус хоналар ажратилган бўлиб, тегишли баннер ҳамда плакатлар билан таъминланган.

Зарарли ва ноқулай иш шароитида ишлайдиган ишчи-ходимларга бепул сут маҳсулотлари берилмоқда. Уларни витаминли кўкатлар, помидор, бодринг ва мева-сабзавотлар билан таъминлаш мақсадида, мажмуа ва конларда ички имкониятлардан келиб чиқиб, ўндан ортиқ иссиқхоналар барпо этилди, яна шунча иссиқхона қурилиши давом эттирилмоқда.

Корхонада махсус кийим-кечаклар учун 3 млрд. сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Бундан ташқари, зарарли иш жойларида ишлайдиган ходимларга ҳар ойда 4 фоиздан 12 фоизгача қўшимча иш ҳақи тўланишига эришилди. Корхонада меҳнат қилаётганлар ҳар йили тиббий кўрикдан ўтказилиб, аниқланган касалликлар бўйича стационар ёки амбулатор муолажалар олаётгани ҳам ғамхўрликнинг ўзига хос ифодаси дейиш мумкин.

Эътиборли томони, корхонада "Ўзбекнефтгаз" Миллий холдинг компанияси ва корхонанинг янги иш ўринларини яратиш дастурига мувофиқ ҳар йили кўплаб иш ўринлари ташкил этилаяпти. Жумладан, ўтган йилда 34 та янги иш ўрни яратилди. Яна бир муҳим жиҳат — 98 нафар фуқаро корхонада касаначилик ишларига жалб этилиб, касаба уюшма аъзолигига қабул қилинди. Улар корхона ходимларига керакли бўлган махсус кийим-бош, ишчи қўлқоплари ва кўрпа-ёстиқ чойшаблари тайёрлаб бераётир. Жамоа шартномасида белгиланган имтиёз ва кафолатли тўловлардан касаначилар ҳам барча қатори фойдаланиб келишаётир.

Корхона ходимлари ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш бўйича ижтимоий шериклик асосида қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, ўтган йилда 719 нафар ходим турли сиҳатгоҳларда соғломлаштирилди. Корхона оталиғидаги Китоб туманидаги 5-"Меҳрибонлик уйи" тарбияланувчилари корхона маблағи ҳисобидан сўлим гўшаларда дам олдирилди.

Оромгоҳни ёзги соғломлаштириш мавсумига тайёрлаш юзасидан ҳар йили маъмурият билан ҳамкорликда чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Унга асосан оромгоҳда қурилиш, таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари бажарилиб, масканни зарурий жиҳозлар, замонавий ўқув-техник воситалар, компютер, кўргазмали қуроллар, спорт анжомлари билан таъминлаш, шунингдек, спорт иншоотларини таъмирлаш ишлари корхона маблағи ҳисобидан амалга оширилмоқда.

Дарвоқе, ўтган йилда 250 нафар ишчи-ходимнинг Самарқанд, Хива ва Тошкент шаҳрига саёҳати ташкил этилгани ҳам эътиборга молик. Шу билан бирга, касаба уюшма қўмитаси жисмоний тарбия ва спорт ишлари ривожига алоҳида эътибор қаратмоқда. Корхонада "Машъал" спорт соғломлаштириш клуби фаолият кўрсатмоқда. Спорт мажмуасида корхонанинг ишлаб чиқариш тармоқларида меҳнат қилаётган ходимлар соғликларини тиклаш, ишдан бўш вақтларида спорт билан шуғулланишлари учун барча шароит яратилган. Ишчи-ходимлар ўртасида турли спорт мусобақалари мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Йиғилишда ҳисобот даврида олиб борилган фаолият натижаларига баҳо берилиб, навбатдаги устувор вазифалар белгилаб олинди. Қўмита раислиги учун Шароф Раҳматовга яна бир бор ишонч билдирилди.

Шунингдек, конференцияда "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, жамоа шартномаси бандларига зарур қўшимчалар киритилди.

Акмал АБДИЕВ,
"Ishonch" мухбири

ТАДБИРКОРЛИК

Музрабодлик Ҳаёт Зоиров анча вақт деҳқончилик билан шуғулланди. Бозор иқтисодиёти талаблари ёш ва шижоатли йигитни тадбиркорликка ундади. "Тадбиркорфермерсервис" хусусий марказини очганига ҳам икки йил бўлди. 2014 йили "Микрокредит" АТ банкнинг туман филиалидан 70 млн. сўм кредит олиб, замонавий дастгоҳлар ўрнатди. Ҳеч қанча вақт ўтмай, ҳамкорлар билан биргаликда 40 турдаги 130 млн. сўмлик мебел жиҳозлари ишлаб чиқаришга эришди.

СИФАТЛИ, ХАРИДОРГИР

— Тумандаги деярли барча мактаб ва мактабгача таълим муассасаларини сифатли мебел жиҳозлари билан таъминлашга ўз ҳиссамизни қўшдик, — дейди ёш тадбиркор. — Жорий йилда иш ҳажмини янада кенгайтиришни ният қилганмиз. Баҳром Боймуродов, Алишер Бойпўлатов, Шамсиддин Шосаидов сингари қўлигул усталар касб-ҳунар коллежлари битирувчилардан 15 нафарига устозлик қилаётир.

ПОЛИЭТИЛЕН ҚУВУРЛАР

Термиз туманида хусусий тадбиркор Равшан Норҳамидов раҳбарлик қилаётган "Намуна тезкор қурилиш" масъулияти чекланган жамиятида қишлоқдаги ёшларнинг бир қисми иш билан таъминланди.

Жамият аъзолари аҳоли ва корхона, ташкилот, муассасалар буюртмасига асосан ҳар хил ўлчамдаги полиэтилен қувурлар ишлаб чиқаришаяпти. Суннатулла Маматқулов, Ойбек Турсунов сингари ишчилар буюртмаларни сифатли бажаришда замонавий дастгоҳлардан унумли фойдаланмоқда.

Рустам ДАВЛАТОВ,
"Ishonch" мухбири

Академик Абатбай Даулетов

Ўзбекистон илм-фани оғир жудоликка учради. Қорақалпоқ тилшунослиги бўйича йирик олим, филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Абатбай Даулетов 7 апрелда 73 ёшида вафот этди.

А.Даулетов 1942 йилда Қорақалпоғистон Республикасининг Кегейли туманида туғилди. 1964 йилда Қорақалпоғистон давлат педагогика институтини тугатиб, шу даргоҳда ўқитувчи бўлиб иш бошлади. Сўнгра Ленинград давлат университети аспирантурасида таҳсил олди. 1972 йилда номзодлик, 1992 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

1995 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг аъзоси этиб сайланди.

Жонкуяр ва фидойи олим ўзининг 50 йиллик илмий фаолияти давомида Қорақалпоқ давлат университетида доцент, кафедра мудири, факультет декани, профессор лавозимларида ишлади. Қорақалпоқ тилшунослигига оид долзарб масалаларни тадқиқ этиш, илм-фаннинг мазкур йўналишида юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшди.

Унинг қорақалпоқ тилининг назарий ва амалий масалаларига бағишлаб ёзган ўнлаб монография, мақола ва рисолалари, илмий анжуманлар, оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлари кенг жамоатчиликка яхши маълум.

Заҳматкаш олим ўз фаолияти давомида жонкуяр устоз сифатида ёшларга илм-фан сирларидан сабоқ берди. Унинг бевосита раҳбарлигида ўнлаб фан номзодлари ва докторлари тайёрланди.

Йирик олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Абатбай Даулетовнинг хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

И.Каримов, Н.Йўлдошев, Н.Исмоилов, Ш.Мирзиёев, М.Ерниязов, Ш.Солиҳов

ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК

Юртимиз кўркига кўрк қўшаётган салобатли ва ҳашаматли бинолар, замонавий турар жой ҳамда ўқув даргоҳлари, турли маданий-маиший муассасалар кўплаб соҳа ходимларининг муштарак мақсадлари маҳсулидир. Хусусан, «O'zshaharsozlik LITI» DUKнинг бой тажрибага эга жамоаси фаолияти эътиборга молик. Ўтган йил мазкур институт томонидан топширилган объект лойиҳаларини кўздан кечириб, бунга амин бўламиз. Хусусан, Юнусобод туманида қурилиши мўлжалланган «Олийгоҳлараро спорт мажмуаси», Урганч шаҳридаги «Спорт мажмуаси», Фарғонадаги Марказий банк биноси, Жиззах шаҳридаги «Марказий деҳқон бозори» ва бошқа лойиҳалар шулар жумласидан.

МАҚСАДЛАР МУШТАРАК

— Албатта, ҳар қандай ютуқнинг сир-синоати бўлади. Биз тилга олиб турган жамоа учун бу — билим, тажриба ва ҳамжиҳатликдир. 256 нафарлик жамоада ходимлар манфаатлари ҳам кўнгилдагидек ҳимояланаяпти. Бунда жамоа шартномасининг ўрни алоҳида. Унга кўра, иш берувчи томонидан ходимларга қулай иш шароитини яратишга жиддий эътибор қаратилди. Жиҳозлар босқичма-босқич янги ва замонавийларига алмаштирилди. Ходимлар талабномаларига асосан компютерлар харид қилинди. Хоналар ёруғ ва қўшимча техника воситалари билан таъминланди.

Пойдевори бақувват бино мустаҳкам бўлади. Тақдим этилаётган лойиҳаларга ҳам кўп нарса боғлиқ. Шу мақсадда Тошкент архитектура ва қурилиш институти билан шартнома тузилиб, уларнинг билимини ошириш борасида қўшимча ўқишлар ташкил этилди. Институт кутубхонаси ҳамда лойиҳа хоналари соҳага оид керакли адабиётлар билан бойитилди.

Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи кўздан қочирилмайди. Жамоа шартномасига асосан ҳар бир байрамда бизнес режага асосан мукофот пуллари ажратилади. Саломатликларини тиклаши учун моддий жиҳатдан кўмаклашилиб, мураккаб жарроҳлик операцияларининг шартнома қиймати тўлаб берилаётганлиги ҳам хайрли ишлардан бўлмоқда. Институтда меҳнат қилиш билан биргаликда, олийгоҳда таҳсил олаётган 5 нафар ёш ходимнинг шартнома пуллари маъмурият ҳисобидан тўлаб берилди. Институт раҳбарининг таклифига кўра, олийгоҳни тамомлаган ёш ходимлар Мустақиллик байрами арафасида рағбатлантирилди.

— Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг белгиланган муддатда тўланиши устидан иш берувчи билан қатъий назорат ўрнатганмиз, — дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Фотима Абдуллаева. — Мақсадимиз битта: ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояланган ходимларнинг диққати ишда бўлсин.

Касаба уюшма қўмитаси фаолияти йиллик режа асосида, жамоа шартномасига таянган ҳолда олиб борилади. Қўмитада 6 та комиссия мавжуд бўлиб, 10 та касаба уюшма цех ва гуруҳ раҳбарлари сайланган.

Институтда меҳнат муҳофазаси доимий эътиборда. Алоҳида хона ташкил этилиб, зарур техник воситалар, ўқув ва кўргазмали қуроллар, тарғибот-ташвиқот воситалари ва бошқа анжомлар билан бойитилган. Фавқулодда ҳолатда ходимларга биринчи ёрдам кўрсатиш учун дори-дармонлар заҳираси яратилган. Меҳнат муҳофазаси муҳандиси Мирҳомид Абдуллаев ҳар бир ходимга йўл-йўриқлар бериш, ўқитишдан чарчамайди. Жамоа шартномаси меҳнатни муҳофаза қилиш жамғармаси ва меҳнат муҳофазаси хизматларини ташкил этиш бўйича алоҳида бандлар билан тўлдирилганлиги ҳам бежиз эмас. Унга кўра, ҳар йил меҳнат муҳофазасига иш берувчи томонидан маълум миқдорда маблағ ажратилиб, ходимларни махсус кийим, пойабзал ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш кўзда тутилган.

Спорт — соғлиқ гарови. Буни яхши англаган институт жамоасида байрам кунлари мусобақалар уюштириш анъанага айланган. Сузиш ҳавзаларига бепул йўлланмалар тарқатилди. Ёшлар мунтазам шуғулланиши учун футбол майдони ижарага олинган. Бундан ташқари, ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида ишлаб чиқариш гимнастикаси ўтказилади.

Ўтган йил ходимларга касаба уюшма ҳисобидан «Чорвоқ» ва «Чимган рекортс» оромгоҳларига 2 кишилик йўлланмалар ажратилди. Республикамиз санаторийларида 6 нафар ходим ўз соғлигини тиклаб қайтди. Маъмурият ҳисобидан 37 нафар меҳнат аҳли «Наврўз» ва «Ҳожикент» дам олиш уйларида дам олдирилди. 24 нафар ходим учун қадимий Бухоро шаҳрига зиёрат уюштирилди. Қурувчилар куни муносабати билан 100 киши оиласи ва фарзандлари билан Кумушкон масканида дам олиши учун имкон яратиб берилди.

«O'zshaharsozlik LITI» DUKда «Устозшогирд» йўналиши бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этилган. Унда, институтдаги юқори малакали мутахассислар ёш ходимларга бириктирилиб, авлодлар эстафетаси ишончли қўлларга топширилиши йўлида режали ишлар амалга оширилаётир.

Жамоада ишнинг бу тарзда ташкил этилгани иш берувчи ва касаба уюшма қўмитаси ўртасидаги узвий ва самарали ҳамкорлик — ижтимоий шерикликнинг ёрқин ифодасидир.

Раъно МАҲКАМОВА,
"Ishonch" мухбири

ТУРИЗМ

ЕЛДЕК УЧАР «АФРОСИЁБ»

Юрган дарё, дейди доно халқимиз. Дарҳақиқат, юртимиз жаннатмонанд зиёратгоҳ жойларга бойдир. Фидойи касб эгаларининг етарли фаолият юритишида, руҳи тетик бўлишида уларнинг роли беқиёс.

Яқинда Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Олмазор туман кенгаши томонидан тумандаги 15 та корхонанинг 90 нафар ишчи-ходими «Афросиёб» поездида Самарқанд шаҳрига саёҳатга боришди.

«Лахисам», «Эътиқод», «Зафархон», «Сарвари Нодир», «Таманносавдо», «Шифокорнон» каби масъулияти чекланган жамияти меҳнаткаш ходимлари Имом ал-Бухорий мажмуаси, Гўри Амир мақбараси, Шоҳи Зинда ансамбли, Регистон мажмуаси, Улуғбек расадхонаси, Бибихоним зиёратгоҳларини томоша қилдилар.

— Саёҳат давомида кўҳна заминда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишдик. Қалбимиз фахр-ифтихорга тўлди. Бу эса янада кўтаринки кайфият билан фаолият юритишимизга хизмат қилиши, шубҳасиз, — дейди «Сарвари Нодир» МЧЖ ходими Нилуфар Ғоипова.

Комила БОЙМУРОДОВА,
"Ishonch" мухбири

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

Якшанба. Соат кечки саккизлар. Бирдан эшик тақиллаб қолди. Ҳожимурод отанинг кенжа ўғли Абдуғанини кўриб Масъуда опанинг дили ғашланди. Терлаб-пишган, гапини эплаб гапиролмайди, нуқул йиғлайди, шўрлик. Масъудахон опа "чол-кампирга бирор кор-ҳол бўлибдими", дея қўрқиб кетди.

«ДЎХТИР ҚИЗ»

Бола ўзини босиб олгач, дудуқлана-дудуқлана икки ойдан бери акасининг ҳеч даво топа олмаётган қизчасини шифохонадан "куни битган", дея қайтариб юборишганини, отаси "дўхтир қизимни бошлаб кел", деб унинг ҳузурига юборганини тушунтирди.

Масъудахон опа дарҳол йўлга тушди.

Эшик олдида саккиз-ўн чоғли қария йиғилиб туришганига кўзи тушди. Ичкаридан йиғи-сиғи эшитиляпти. Ҳожимурод ота "дўхтир қиз"ни кўриши билан жонланди.

— Умрингдан барака топгин, қизим, — дуо қила кетди ота. — Кўрмайсанми, набирамнинг умри қисқа экан. Шифохонадан "эртагача бормайди", дея қайтариб юборишибди. Нимаям қила олардик. Биринчисини берган Худо, кейингисини ҳам беради. Шунга...

Масъудахон опа "мен болани кўрайчи", дея ичкарилади. Анча вақт оғригани учунми, чақалоқ бир парчагина бўлиб қолган. Зўрға-зўрға нафас оляпти. Тепасида бувиси билан онаси йиғлаб ўтирибди.

— Уялмайсизларми ҳали тирик болага аза очгани. Шифохона берган кўчирмани кўрсатинг-чи...

Болани эшитиб кўрди. Зотилжам. Ҳа-ҳа, бу аниқ. Юқумли касалликлар шифохонасида фақат ичакларини даволайверишгану ўпкасини эшитиб кўриш ҳеч кимнинг хаёлига келмаган. Охир-оқибат касаллик авж олган.

2015-yil 9-aprel, payshanba, № 45 (3550), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЖАСОРАТ, БУРЧ, МАТОНАТ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Бундан ташқари, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, шунингдек, «Саховат» ва «Мурувват» уйларида яшаётган кексалар ҳолидан хабар олинади, уларга эсдалик совғалари топширилиб, тантанали тадбирлар ва концерт дастурлари ташкил этилади.

Ушбу шонли санани байрам қилишга тайёргарлик кўриш доирасида уруш ва меҳнат фронти фахрийлари кўрсатган матонат ҳамда жасорат аҳамиятини аҳолининг кенг қатламлари, айниқса, ёшлар ўртасида тушунтириш бўйича маънавий-маърифий тадбирлар амалга оширилади.

Масалан, таълим муассасалари ва ҳарбий қисмларда ёшларни Ватанга муҳаббат, аждодлар жасоратига садоқат, кексаларни эъзозлаш руҳида тарбиялаш мақсадида 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари фахрийлари ва вакиллари иштирокида «Авлодлар учрашуви», «Кексаларга эътибор ва ғамхўрлик», «Хотира ва қадр» мавзуларида маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилади.

Олий таълим муассасаларида «Тарихий хотирасиз — келажак йўқ» республика илмий-амалий видеоконференцияси ўтказилади. Мамлакатимиздаги барча таълим муассасаларида ташкил этиладиган Тинчлик дарсларига 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, Қуролли Кучлар фахрийлари ва ҳарбий хизматчилар таклиф этилади.

Бундан ташқари, таълим муассасалари ва ҳарбий қисмларда уруш ва меҳнат фронти фахрийлари иштирокида «Ўтмишсиз келажак йўқ», «Қадр — азиз, хотира — муқаддас», «Аждодларимиз жасоратини давом эттирамиз», «Ўзбекистоннинг Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси» мавзуларида учрашувлар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирлар ўтказилади.

Умумхалқ байрами арафасида мактаб, лицей ва коллеж ўқувчилари, талабалар, ёшлар ва ҳарбий хизматчиларнинг Хотира майдони, Ўзбекистон тарихи ва Қуролли Кучлар давлат музейлари, Қатағон қурбонлари музейига бориши режалаштирилмоқда.

Марказий теле ва радиоканаллар ҳамда ҳудудий телерадиокомпаниялар-да «9 май — Хотира ва қадрлаш куни» рукни остида туркум ҳужжатли ва бадиий филмлар, ахборот дастурларида лавҳалар намойиш этилади. Инсон хотираси азиз, ўтганлар хотирасини қадрлаш, қаҳрамонларимиз жасоратини теран англаш каби халқимизга хос муқаддас тушунчаларнинг мазмунмоҳияти ва аҳамиятини очиб берадиган ток-шоулар ташкил этилади.

Давлатимиз раҳбарининг фармойишини амалга ошириш доирасида маданий-маърифий ва спорт тадбирлари, шунингдек, кекса авлод вакиллари, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, хизмат бурчини ўташ чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оила аъзоларини ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган тадбирлар ташкил этиш кўзда тутилган.

Масалан, ижодий гуруҳлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган концерт дастурлари, саҳна асарлари ва кинофилмлар намойишини ташкил қилади. Маданият ва истироҳат боғлари, кўча ва майдонларда «Ер юзида тинчлик учун» шиори остида театрлаштирилган томошалар, маданий-маърифий тадбирлар, спорт тадбирлари ўтказилади. Ёшлар ўртасида Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган спорт турнирлари ва хайрия марафонлари бўлиб ўтади.

1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, кекса отахон ва онахонлар учун болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари иштирокида «Уруш йиллари оҳанглари» концерт дастури ташкил этилади.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини тиббий кўрикдан ўтказиш, уларга малакали ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш, кўп тармоқли ихтисослаштирилган ва илмий-амалий тиббиёт марказлари, клиникалар, илмий-тадқиқот институтларида даволаниш учун имтиёзли ордерлар ажратиш, доимий кўмаклашиш, жумладан, уйида тиббий ёрдам кўрсатиш учун тиббиёт ходимини бириктириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилади.

Фахрийлар биринчи ёрдам кўрсатиш учун зарур дори-дармонлар ва тиббий буюмлар солинган махсус қутичалар, амбулатория шароитида даволанишда шифокорлар кўрсатмаси бўйича дори воситалари билан бепул таъминланади. Шунингдек, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларига манзилли инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш, имконияти чекланган кексаларга ногиронлик аравачалари, протез-ортопедия мосламалари ҳамда реабилитация техник воситаларини ажратиш режалаштирилмоқда.

Бундан ташқари, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилиш йўлидаги хизмат бурчини ўташ чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларидан хабар олинади, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилади. 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, кекса отахон ва онахонлар учун мамлакатимизнинг тарихий ва диққатга сазовор жойларига саёҳатлар уюштирилади.

Мухтасар айтганда, фахрийларимизнинг муносиб ҳаёт кечириши учун зарур шароитлар яратиб бераётган давлатимиз томонидан уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш мақсадида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, бугун улар туфайли мамлакатимизда тинчлик-осойишталик ҳукм сурмоқда, ҳаётимиз фаровон. Жанг майдонларида жон берган, урушдан қайтмаганларни эслаш, бугун орамизда соғ-саломат ҳаёт кечираётган нуроний отахон ва онахонларимизга ғамхўрлик кўрсатиш бизнинг муқаддас бурчимиздир.

ЎзА

ФАОЛИЯТГА НАЗАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 апрелдаги "Ангрен" махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида"ги Фармонига асосан хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитларни шакллантириш, шунингдек, Тошкент вилоятининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ҳамда самарали фойдаланиш, шу асосда янги иш жойларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш мақсадида "Ангрен" махсус индустриал зонаси ташкил этилган эди.

ИШЧИЛАР АРДОҚДА

"Ангрен логистика маркази" акциядорлик жамияти ҳам ана шу корхоналар сафида республикамиз иқтисодиётига муносиб улуш қўшмоқда. Корхонада Қамчиқ довони орқали Фарғона водийсига ва Фарғона водийсидан иқтисодиёт тармоқлари, корхоналари ҳамда тадбиркорлик субъектларининг юкларини ташиб бериш билан боғлиқ терминал ва экспедиторлик хизматлари юксак даражада бажарилаётир. 2010 йилдан иш бошлаган жамоада ҳозир 1500 дан зиёд ишчи-ходим меҳнат қилади.

Ҳар бир филиал ўзига хос фаолият турига эга. "Махсусюктранс" унитар корхонасида юртимизнинг барча минтақалари бўйлаб юк ташиш имконияти мавжуд бўлса, "Транзит юк терминали" филиали юкларни ортиш, тушириш, сақлаш, импорт ва экспорт юкларини божхона кўригидан ўтказиш ва декларация қилиш бўйича терминал хизматларини амалга оширади.

— Юртимизда кенг миқёсда замонавий, юқори технологияли корхоналарнинг қурилиши, мавжудларининг модернизация қилиниши ва янгиланиши натижасида иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши (1991 йилда 14 фоиз бўлган) бугунги кунга келиб 25 фоизга ошди, — дейди корхона касаба уюшма ташкилоти раиси Муқаддам Норбоева. — Бироқ, ҳар қандай ютуқ, маълумки, инсон меҳнатига таянади. Шуни инобатга олган ҳолда раҳбарият билан ижтимоий шерикликда ходимларга муносиб ва қулай меҳнат шароити яратишга ҳаракат қилаяпмиз. Ўзбекистон касаба уюшмалари тизимидаги ўзгаришлар, берилаётган имтиёзлардан ҳар бир ходим манфаатдор эканини англаб етмоқда.

Корхонада ишлаётган меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва имтиёзлари маъмурият ва касаба уюшма ташкилоти ўртасидаги 2014-2016 йилларга мўлжалланган жамоа шартномаси орқали мустаҳкамланган бўлиб, касаба уюшма қўмитаси ва цех бошлағич касаба уюшмалари ҳар бир ходимнинг яшаш тарзи, оилавий шароити билан яқиндан хабардор. Улар кўмагида эҳтиёжманд ходимларга моддий ёрдам ажратилиб, байрамларда озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилади. Жамоа шартномасига мувофиқ ўтган йили 200 нафардан ортиқ ишчига энг кам иш ҳақининг бир баробари миқдорида кўмак берилди. Шунингдек, юбилей ёшидаги ишчи-ходимлардан 19 нафарига эсталик совғалари ҳамда бир ойлик иш ҳақи миқдорида мукофотлар тақдим этилди. Корхонада ишловчи ногирон ходимлар ва ногирон фарзанди бор ишчилардан 44 нафарига тегишли тартибда моддий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Айниқса, ишчиларнинг меҳнат муҳофазасини таъминлаш, улар учун хавфсиз ва қулай меҳнат муҳитини яратиш, шунингдек, ишлаб чиқаришда юз бериши мумкин бўлган жароҳатланишлар олдини олиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ходимлар учун дам олиш ва махсус кийим алмаштириш хоналари мавжуд. Ноқулай шароитда ишловчилар махсус кийим-бош, шахсий ҳимоя воситалари, профилактик озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминланган. Қолаверса, ишчилар саломатлигини асраш, уларга биринчи ёрдамни кўрсатиш мақсадида тиббиёт бўлими фаолият юритмоқда.

— Таъмирлаш механика устахонамизда 62 киши меҳнат қилади, — дейди цех катта устаси Дилшод Эргашев. — Иш навбатли ташкил этилган. Усталар таъмирталаб машиналарни Германиядан келтирилган замонавий асбоб-ускуналар ёрдамида созлайди. Меҳнат қилишимиз учун барча шароит муҳайё. Раҳбар ва касаба уюшма қўмитаси фаоллари ҳеч бир мурожаатимизни эътиборсиз қолдирмайди.

Касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан Автомобилчилар кунида ходимларни рағбатлантириш мақсадида саккизта номинация бўйича низомлар ишлаб чиқилган бўлиб, 2011 йилдан буён ушбу танлов ўтказиб келинаётир. Ўтган даврда 99 нафар ишчи-ходим танлов натижаларига кўра диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Ишчилар ҳар йили имтиёзли йўлланмалар билан юртимизнинг турли гўшаларидаги хушҳаво сиҳатгоҳларда дам олиш имконига эга бўлишмоқда. Мисол учун, ўтган ҳисобот йилида касаба уюшма қўмитасининг аъзолик бадаллари ва ижтимоий суғурта маблағи ҳисобидан 117 нафар ишчи-ходим санаторийларга йўлланмалар билан таъминланди. Ходимлар фарзандлари эса ёзги мавсумда "Транспортчи авлод", "Автомобилчи" оромгоҳларида мириқиб ҳордиқ чиқаришди. Корхона ва ҳудуддаги касб-ҳунар коллежлари ўртасида шартнома имзоланган бўлиб, ўқувчилар назарий билимини амалиётда синаши ҳамда касб сир-асрорларини эгаллаши учун уларга устозлар бириктирилган. Ўтган 5 йилда амалиёт ўтаган иқтидорли ўқувчилардан 56 нафари моддий рағбатлантирилди.

— 2013 йил касаба уюшмалари тизимида "Бошланғич ташкилотлар йили" деб эълон қилинган эди, — дейди М.Норбоева. — Шу йил "Энг намунали бошланғич ташкилот" кўрик-танловининг тармоқ босқичида 1-ўрин ва республика босқичида 3-ўринни эгалладик. Бу, албатта, барча ишчи-ходимларнинг ютуғи, десам муболаға бўлмайди.

Кўпчиликнинг узоғини яқин қилаётган корхона ходимлари Наврўз умумхалқ байрамини муносиб нишонлади. Дастур доирасида меҳнат фахрийлари таклиф этилди, ёшлар ўртасида турли танлов ва спорт ўйинлари ўтказилиб, ош тортилди. Бу каби тадбирлар жамоада меҳнатга иштиёқнинг янада кучайиши ва иш самарадорлиги ортишига замин яратаётир.

Гўзал НОРЧАЕВА,
"Ishonch" мухбири.
Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар

САВОЛ БЕРИНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

САВОЛ

Ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширувчи корхона "Ангрен" махсус индустриал зонаси иштирокчиси сифатида рўйхатдан ўтган. Бундан ташқари, товарларни сотиб олиш ва сотиш (улгуржи савдо) билан ҳам шуғулланади. Айтинг-чи, корхона фаолиятининг барча турларига солиқ имтиёзлари татбиқ этиладими?

Т.НОДИРОВ,
Ангрен шаҳри

ЖАВОБ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 апрелдаги "Ангрен" махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида"ги Фармонининг 5-бандига мувофиқ "Ангрен" махсус индустриал зонаси қатнашчилари:

– Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, уларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлашдан, кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан;

– Республикада ишлаб чиқарилмайдиган, лойиҳаларни амалга ошириш доирасида "Ангрен" МИЗ ҳудудига Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича олиб кириладиган ускуналар, бутловчи буюмлар ва материаллар бож тўловлари (божхона йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилинган.

Шунингдек, белгилаб қўйилдики, юқорида кўрсатиб ўтилган имтиёзлар киритилган инвестицияларнинг ҳажмига қараб 3 йилдан 7 йилгача муддатга берилади, шу жумладан эквиваленти:

– 300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача бўлганда — 3 йил муддатга;

– 3 миллион АҚШ долларидан ортиб 10 миллион АҚШ долларигача бўлганда — 5 йил муддатга;

– 10 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлганда — 7 йил муддатга берилади.

Бундан ташқари, Президентимизнинг юқорида келтирилган Фармонини бажариш юзасидан "Ангрен" махсус индустриал зонаси тўғрисида"ги Низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 майдаги 146-сонли қарорига 1-илова) тасдиқланди. Мазкур Низомнинг 17-бандида белгиланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 апрелдаги ПФ-4436-сонли Фармонида белгиланган имтиёзлар ва устунликлар фақат Дирекция билан тузиладиган инвестициялаш тўғрисидаги битимда назарда тутилган "Ангрен" МИЗ қатнашчиси фаолияти турларига жорий этилади.

Шунга кўра, агар Дирекция билан тузиладиган инвестициялаш тўғрисидаги битимда ишлаб чиқариш фаолияти кўрсатилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 апрелдаги ПФ-4436-сонли Фармонида белгиланган имтиёзлар фақат ишлаб чиқариш фаолиятига татбиқ этилиб, савдо фаолиятига қўлланилмайди.

Саволга Давлат солиқ қўмитаси юридик шахсларнинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мониторинги бошқармаси бошлиғи Наталя ШМАКОВА жавоб берди.

ДЕБ ТАНИШАР УНИ

— Болани тезда шифохонага олиб бориш керак, — деди опа. — Худо хоҳласа яшаб кетади...

Шифохонада эса..."Ўлик болани қабул қила олмаймиз", дейишди. "Қайси ўлик бола ҳақида гапирясиз, ҳали у тирик-ку", боланинг кетидан келганлар ҳайрон. "Кўчирмада шундай ёзиб қўйилибди", дейишди врачлар бир-бирига маъноли қараб.

Ҳожимурод отанинг жазаваси тутди:

— Болани тез олиб қоласанлар, кўчирмангни билмайман. Агар шунинг учун сенларни қамаса, мана мен кафил. Мени қаманглар, дўхтир болаларимни мен мажбур қилдим, дейман. "Дўхтир қизим" айтди, набирам яшайди...

— Бу воқеага ҳам 40 йил бўлибди, — дея эслайди Карима Ҳожиева. — Масъудахон опанинг қатъиятлилиги туфайли ҳаёти сақлаб қолинган қизим Арофат шу йилнинг кузида 40 ёшни қаршилайди.

ҲАЁТ МАЗМУНИ

1937 йил Миртурсун ота ва Муқаддамхон она хонадонида бешинчи фарзанд дунёга келди. Унга Масъудахон деб исм беришди. Йилларни қувиб йиллар ўтаверди.

— Дадажон, мен ҳали эл таниган шифокор бўламан, — дерди Масъудахон мағрур оҳангда. — Бу касб ҳаётимнинг мазмуни бўлиб қолади. Газетада мен ҳақимда ёзишганда, сиз қизингиздан ғурурланиб танангизга сиғмай кетасиз.

Масъудахон 1961 йили Тошкент тиббиёт институтининг Терапия факультетини муваффақиятли тамомлади. Ёш мутахассис Янгийўл туманидаги шифохонада иш фаолиятини бошлаб, олти йил ишлади. Сўнг Тошкентдаги 4-юқумли касалликлар шифохонасига ишга ўтди. Ўзи каби шифокор йигитга турмушга чиқди. Терапевт Юсуфхўжа Юнусхўжаев билан беш фарзандни тарбиялади. Зиёвуддин — врач, Пахлавий — стоматолог, Барнохон — фармацевт, Аюбхон — инженер, Донохон — бува касбининг давомчиси бўлди. Минг афсуски, Донохоннинг умри қисқа экан, ҳаётдан эрта кетди.

1971 йил Масъудахонга Қибрайдаги "Ўнқўрғон" ҚВПда вақтинча ишлаб туришни таклиф қилишди. Шаҳарлик қиз Қибрай деган жой борлигини эшитган. Лекин ҳеч йўли тушмаган экан. Турмуш ўртоғи "Узоқроқ эмасми, қийналиб қолмайсизми? Рўзғор, болалар нима бўлади?", деганда, "Янгийўлда ишладим-ку, Қибрай нима бўлибди, яна вақтинчалик бўлса", дея унга таскин берди.

Қибрай узоқ туюлганди ўшанда Масъудахонга. У вақтларда транспорт кам, баъзида йўлнинг ярмигача яёв боришига тўғри келарди. Секин-секин одамлар уни таниб, йўл-йўлакай машинами, кажавали мотоцикл ёки трактор, хуллас, нима тўғри келса, албатта, тўхтаб олиб кетадиган бўлишди.

— Эсимни танибманки, уйимиздан кеча-ю кундуз одам аримайди, — дейди ўғли Пахлавий Юнусхўжаев. — Баъзида бу бизга ёқмасди. Ҳеч бўлмаса, онам уйда дамини олсин, деган фикрда эдик. Лекин ойим: "Мен уларга керакман, улар менга керак. Чунки бу касб ҳаётимнинг мазмуни. Келган кишини ноумид қайтармайман, сизларга ҳам насиҳатим шу", дерди.

— Ҳеч эсимдан чиқмайди, — дея эслайди қизи Барнохон. — Кичкина пайтимиз эди. Ойим шаҳардан келаётганида мопед уриб юборибди. Барака топкур одамлар дарров яқин атрофдаги шифохонага олиб бориб, дадамга хабар беришган. Шу кезлар раҳматли дадам шаҳар "Тез ёрдам"ида бош шифокор бўлиб ишларди. Кечга томон дадам билан ойим келиб қолишди. Ойимни кўриб кўрқиб кетдик. Кўл-оёғи гипсланган эди. Ҳар доимгидай эшигимиз олди одамга тўла. У вақтларда одамлар поликлиникада иш вақти тугаган бўлса, шифокорнинг уйига келаверишарди. Ота-онам уйга киришди. Биз онамнинг атрофида гирдикапалак. Шунда ҳам ойим эшик олдида илинж билан турган беморлари ҳақида ўйлайди. Дадам: "Сиз бемалол дамингизни олаверинг, уларни мен қабул қиламан", деди.

БАРЧАГА БИРДАЙ

Мана, 44 йил бўлибдики "дўхтир қиз" "Ўнқўрғон" ҚВПда иш фаолиятини давом эттириб келяпти. Шаҳарда туғилиб ўсган Масъуда опа қишлоқнинг ўз одами бўлиб кетди. Шу ердан уйжой қилишди.

— Бош шифокоримиз жудаям талабчан, — дейди шифокор Зулайҳо Тешабоева. — Кези келса, жуда қаттиққўл. Доим биздан беморларимизнинг аҳволини сўраб туради. Айниқса, рўйхатда турадиган беморлар ҳақида қайғуриб: "Агар ўзи келмаса, уйига бориб хабар олинглар. Бу бизнинг бурчимиз, барчага бирдай бўлинглар!", деган гапни такрор-такрор айтишдан чарчамайди. Қўл остидагиларга ҳам бефарқ эмас. Биринчи бўлиб хонадонимиз тинчлиги, оила аъзоларимиз соғлиги билан қизиқади. Жамоага ишга келганимга 12 йилдан ошибдики, бизнинг клиникада болалар ўлими бўлмаган. "Репродуктив саломатлик" аъло даражада йўлга қўйилган. Бир гапни айтсам ёлғон бўлмайди. Шу кунгача ҳар куни бўлмаса-да, ҳафтада бир марта қишлоқ нуронийлари "дийдор кўришиб кетайлик", дея бош шифокоримизни сўраб келишади.

— Ҳаётимда кулгили ва бир умрга эсда қоларли воқеалар кўп бўлган, — дея эслайди "Ўнқўрғон" ҚВП бош шифокори Масъудахон Исмоилова. — Ўзи табиатан қотма бўлганман. Янги келган пайтларимда, кейин ҳам қишлоқ нуронийлари: "Сенинг ҳечам тиниминг йўқ. Мана буни еб ол, холанг сен учун тайёрлаб бериб юборди. Озғинлигингни қара. Бизга кераксан!", дея дакки берган бўлиб, меҳрибонлик қилишарди. Айниқса, бир воқеа ҳечам ёдимдан чиқмайди. Бир куни мактаб директори Қўчқорхўжа ака Маҳмудхўжаев: "Юр бизникига. Сени учта профессор кутиб ўтирибди...", дея олиб кетди. Мен ҳайрон, нимага мени профессорлар кутади? Йўл-йўлакай айтиб беришича, чол-кампир "профессорларинг ёзган дорини қабул қилмаймиз, ўзимизнинг "дўхтир қиз"имизни олиб кел. Фақатгина унинг муолажаларидан шифо топганмиз", дея қайсарлик қилиб ўтиришганмиш.

Бу йил Масъудахон ая 78 баҳорни қаршилади. У барча нуронийлар каби юртимизда кексаларга бўлган эътибор ва ғамхўрликдан мамнун ҳолда умргузаронлик қилмоқда. ҚВП бош шифокори ҳамда катта ҳаётий тажрибага эга инсон сифатида ходимлари ва фарзандларига бугунги дориломон кунларнинг, тинчлик-осойишталикнинг қадрига етиб, юрт равнақи учун хизмат қилинглар, дея уқтиришдан асло чарчамайди.

Ҳа, бизнинг юрт отахон ва онахонлари ана шундай фидойи ва заҳматкаш. Зеро, уларнинг ҳар бир гапи, ҳар бир иши ўсиб келаётган авлод учун ибратдир.

Дилором ХУДОЙБЕРГАНОВА,
"Ishonch" мухбири

2015-yil 9-aprel, payshanba, № 45 (3550), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ТАНЛОВ

Мамлакатимизда касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари, Ўзбекистон Ёзувчилар, Бастакорлар уюшмалари, Миллий телерадиокомпания ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ҳамкорлигида болалар қўшиқлари, шеърлари ва куйларини яратиш бўйича республика ижодий танлови ўтказилмоқда.

ЭЗГУЛИК ТАРАННУМИ

Болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаб, маънан баркамол инсонлар этиб вояга етказиш мақсадида ташкил этилган ушбу танловда ёшидан қатъи назар, юртимизда фаолият юритаётган бастакорлар, шоирлар, болалар ижодий жамоалари, мусиқа ва санъат мактабларидаги ижодкорлар қатнашаётир.

Нукус шаҳар 1-болалар мусиқа ва санъат мактабида ўтган танловнинг ҳудудий босқичида болажонлар орасида санъатга меҳр қўйган, истеъдодли ўғил-қизларнинг кўп эканлиги яна бир карра тасдиғини топди. Ватан, истиқлол, беғубор ёшлик, она, гўзал табиат, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мадҳ этувчи қўшиқлар ижроси барчада катта таассурот қолдирди. Шу боис, беш йўналиш ҳамда номинациялар ғолибларини аниқлаш ҳакамлар ҳайъатига осон бўлмади.

6 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар иштирокида ижро этилган қўшиқлар танлови якунида қўшиқ учун яратилган энг яхши шеър йўналишида Нукус шаҳри 1-болалар мусиқа ва санъат мактаби жамоаси ғолибликни қўлга киритди. Қўшиқ учун яратилган энг яхши мусиқа йўналишида биринчилик Тахиатош шаҳар 7-мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиси Дастон Жуманазаровга насиб этди. Энг яхши қўшиқ ижрочиси йўналишида Нукус шаҳар 1-мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиси Асадбек Султонов ғолиб деб топилди. Энг яхши болалар оромгоҳи мадҳияси йўналишида ҳам шу мактабнинг иқтидорли ўқувчиси Ахмет Даулетяров биринчи бўлди. Энг яхши ҳисоб шеъри ва машқ қўшиғи йўналиши бўйича ижрочиликда Беруний тумани 6-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиси Суҳроб Маратовга тенг келадигани топилмади.

Ғолиблар Тошкент шаҳрида бўладиган якуний босқичда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Шунингдек, ҳар бир йўналиш бўйича қўшимча номинациялар ғолиблари ҳам аниқланди.

Ғолибларга республика касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан таъсис этилган диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Ортиқбой МАМУТОВ,
«Ishonch» мухбири

МУСОБАҚА, ҲОРДИҚ, САЁҲАТ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Алоқа тармоғида меҳнат қилаётган, элнинг, оиласининг корига яраётган аёлларимиз волейбол, кўп кураш, шахмат ва шашка бўйича астойдил беллашди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бундай мусобақаларда ғолиб ва мағлублар бўлмайди. Зеро, бу — дўстона беллашувдир.

Кези келганда, ташкилотчилар томонидан пухта ўйланган айрим жиҳатларга тўхталиб ўтиш жоиз. Фестивалдан бир неча маданий тадбирлар ҳам ўрин олди. Жумладан, миллий урф-одатларимиз, қадриятларимизни асраб-авайлаш, уларни тарғиб қилиш мақсадида иштирокчилар ўртасида "Бувижоним алласи" мавзусида тадбир уюштирилди.

Алла — ҳар бир ўзбек боласи тинглаб, қалбига жо айлаб камол топадиган қадимий қўшиқ. Унда халқнинг минг йиллик орзу ва умидлари, яхши ниятлари мужассам. Иштирокчилар турли ҳудудларимизда куйланадиган, ўзига хос ижро усулига эга мазкур қўшиққа асосланган саҳна кўринишларини намойиш этишди. Куй ва тароналар янгради.

Бундан ташқари, хотин-қизларнинг саломатлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида барча иштирокчилар санаторийда тиббий кўрикдан ўтказилди. Мусобақалардан сўнг санаторий тренажёри, кутубхона, кинохонаси аёлларимиз ихтиёрида бўлди. Турли муолажалар ташкил этилди.

Ўзбек аёли қозон-товоқ, эчки-улоқ деб, соғлиғига эътибор ҳам қилавермайди. Шу боисдан Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан амалга оширилган мазкур ишлар таҳсинга сазовор. Бу ишлар доирасини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

— Тоғ ҳавоси — минг дардга даво. Мусобақанинг бундай жойда ташкил этилиши барчамизни бирдай хурсанд қилди. Чунки, тадбир сабаб ҳордиқ чиқардик, соғлиғимиз мустаҳкамланди, — дейди "Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали касаба уюшма қўмитаси раиси Олия Шукруллаева.

— Аёлларнинг хурсандлигини кўринг! Тўғриси, бундай имконият ҳар доим ҳам бўлавермайди. Ишим, уйимжойим деб, кўп аёлларимиз ўзларига етарлича вақт ажратолмайди. Фестивал баҳонасида яйраб дам олдик, турли вилоятлардан дугоналар орттирдик. Дилдан суҳбат қурдик, — деди "Ўзбекистон почтаси" АЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиали Қўнғирот ПАТ Пенсия бўлими оператори Мирхан Ембергенова.

Якунда барча ғолиб ва совриндорларга диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди. Шундан сўнг пойтахтимизнинг диққатга сазовор масканлари бўйлаб саёҳат ташкил этилди.

Адҳам АРСЛОНОВ,
"Ishonch" мухбири.
Муаллиф олган суратлар

ВЕЛОСПОРТ

Фарғона шаҳрида шоссе бўйича Ўзбекистон очиқ чемпионати бўлиб ўтди. Мусобақаларда юртимиз спортчилари билан бирга, Россия ва Қозоғистон вакиллари ҳам иштирок этди.

ЧЕМПИОНАТ ЯКУНЛАНДИ

Иштирокчилар дастлаб "Фарғона-тур" очиқ баҳсларида ўзаро кураш олиб борди. Икки кун мобайнида турнир ғолиблари аниқланди. Маррага биринчи бўлиб етиб келган Тошкент вилояти вакили Глеб Горбачёв ҳаммадан устунлигини исботлади. Иккинчи ўрин Ренат Каримовга насиб этди.

— Мусобақалар юқори савияда ўтди, — дейди Велоспорт федерацияси бош котиби Руслан Михайлов. — Баҳсларда Осиё ва мамлакат чемпионлари, 70 нафарга яқин спортчи ўзаро куч синашди.

Ўзбекистон очиқ чемпионатида ҳам Глеб Горбачёв ғолибликни қўлга киритди. Темур Гумиров ва Ренат Каримов кейинги ўринларни эгаллади.

Мусобақа ғолиблари Велоспорт федерацияси, Фарғона вилоят ҳокимлиги, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Навбатдаги мусобақалар 12-16 апрел кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтади. Унда ўсмирлар ўзаро баҳс олиб боради.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
"Ishonch" мухбири

ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТ

КЎК ЧОЙНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Кўк чойнинг шифобахш хусусияти кўп. Мисол учун, қон босими ошишга мойил бўлганлар 0,5 литр қайнаган сувга кўк чой ва 0,5 чой қошиқ ялпиз қўшиб дамлаб ичса, яхши натижа беради. Аксинча, кишида қон босими тушишга мойиллик бўлса, ялпиз қўшилган қора чой ичган маъқул.

Кўк чой катехин ва полифенол моддаларига бой. Айнан шу моддалар инсон организмида тўпланган ортиқча ёғларга қарши кураш олиб бориб, ортиқча вазндан халос бўлишга ёрдам беради.

Юз териси ёғли бўлган аёлларни ҳуснбузарлар ва юзнинг ёғланиб кетиши қийнайди. Бунинг олдини олиш учун икки ош қошиқ кўк чой қайнатилган маъданли сувда дамланади. Илиқ ҳолга келгач, бир неча томчи лимон шарбати томизилади. Эрталаб юз шу дамламада артилади. Яллиғланишга мойил тери соҳиблари докани кўк чойга намлаб олиб, 20 дақиқа юзга қўйиб турса, фойда беради.

100 грамм ёғли творог, 2 чой қошиқ асал ва ярим пиёла кўк чой билан аралаштирилиб, юзга сурилади. 15 дақиқа турадиган бу ниқоб юз терисини озиқлантириш билан бирга, яшартириш хусусиятига ҳам эга.

Гулноза МИРЗАЕВА
тайёрлади

Газетанинг навбатдаги сони 14 апрел, сешанба куни чиқади.



«СОҲИБҚИРОН» АЙЛАНМА КРОССВОРДИ

Шаклда белгиланган хонадан соат мили йўналишида: **1.** Амир Темур давлати қароргоҳи жойлашган Самарқанддаги ҳашаматли маскан. **2.** Давлат маҳофазасини амалга ошириш ишлари мажмуи. **3.** Кенгаш, маслаҳатлашиш анжумани. **4.** Амир Темур аждодига мансуб қабила. **5.** Ҳадисларни тўпловчи, илоҳиётчи. **6.** "Амир Темур" романи муаллифи, тарихчи олим. **7.** Шарафиддин Али Яздий асари. **8.** Қадимда қўлланилган тахминан етти-саккиз километрга тенг масофа ўлчови. **9.** Азиз, табаррук нарса. **10.** Заминнинг сайқали таърифини олган тарихий шаҳар, Буюк Соҳибқирон давлати пойтахти. **11.** Ўрта аср тарихчиси, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур замондоши, муаррих. **12.** Хонлик саройида маблағ ҳисобини олиб борувчи амалдор. **13.** Амир Темур мақбара бунёд эттирган тасаввуфнинг машҳур намояндаларидан бири, "Девони ҳикмат" нодир асарини ёзиб қолдирган шоир. **14.** Давлат рамзларидан бири. **15.** Буюк Соҳибқирон замонаси даврида Шаҳрисабзда бунёд этилган ноёб меъморий обида. **16.** "Темур тузуклари" асарининг илк таржимони, жамоат арбоби. **17.** Давлатнинг бошқа бир давлатдаги ваколат маскани. **18.** Амир Темур давлатида амалда бўлган пул бирлиги. **19.** Қадимда ҳарбий ва турли давлат аҳамиятига молик масалалар бўйича маслаҳатлашиш кенгаши. **20.** Амир Темур падари бузрукворининг исми.

МУАММОНОМА

Шаклнинг ички айланасидаги рақамларда Амир Темурга мансуб икки ўгит яширинган. Уларни қуйидаги калит сўзлар жавоблардаги ҳарфлар асосида билиб олинг.

1. Темурийлар даврида амирларга берилган имтиёзли унвон — **10, 1, 11, 16, 7, 4.**

2. Сўз, жумла, қисқа гап — **5, 1, 9, 2, 13, 1.**

3. Фаолият натижаси, хулоса — **15, 5, 6, 4.**

4. Умр, ҳаёт ўлчови — **12, 17.**

5. Вақф ишлари билан шуғулланувчи амалдор — **14, 1, 3, 11.**

6. Тоғлик масканга хос ёввойи мевали олча — **8, 2, 15.**

Фозилжон ОРИПОВ

Реклама ва эълонлар

Вниманию организаций и предприятий!
Управление капитального строительства МВД Республики Узбекистан
ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ

По объекту: **«Строительство медицинской санитарной части на 20 коек в учреждении УЯ 64/29 в Навоийской области».**

Стартовая стоимость заказчика составляет **без НДС 2 746 652 869 сум, с НДС 3 295 983 443 сум.**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **11 месяцев.**

Заказчик **Управление капитального строительства МВД Республики Узбекистан.**

Расположенный **г.Ташкент ул.Усмон Носир-9.**

Финансирование проекта будет осуществляться **за счет средств государственного бюджета – 50%,**

за счет собственных средств ГУИН МВД РУз – 50%.

С 1 июля 2014 года к конкурсным торгам по выполнению строительно-монтажных работ на объектах, финансируемых за счет централизованных капитальных вложений, допускаются исключительно подрядные организации, включенные в Реестр строительно-подрядных организаций.

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценки конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, достчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга **Территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по Навоийской области** по адресу г. Навоий, ул. Гвасалия 2А, тел. 225-49-96, 225-47-98.

Стоимость одного комплекта документов 100 000 сум.

Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г. Навоий, ул.Гвасалия – 2А, тел: 225-49-96, 225-47-98

Крайний срок представления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится по адресу г.Навоий, ул.Гвасалия 2а не менее чем через 30 дней после опубликования объявления.

Услуги лицензированы.

«Farg'ona mulk markazi» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги 343-сонли қарорига, ҳамда Фарғона вилояти Политехника институти билан 06.04.2015 йилда тузилган 02-сонли шартномага асосан, Фарғона шаҳри, Фарғона кўчаси, 86-уй манзилда сақланаётган, давлат рақами 40849 AAA бўлган, 2003 йилда ишлаб чиқарилган "GM UZ NEXIA DONC" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 14 155 936 сўм.**

Аукцион савдоси 2015 йил 11 май куни соат 10:00 да бўлиб ўтади.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 8 май соат 17:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 30% фоизи миқдорида закалат пулини закалат келишувига асосан «Farg'ona mulk markazi» МЧЖ нинг «Транс банк» Фарғона вилоят филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 2020 8000 6049 4306 3001. МФО: 01123, СТИР: 302 134 194.

Манзил: Фарғона шаҳри, Маърифат кўчаси, 22-уй. Тел: 0-373-244-35-16. www.rmm.uz. Гувоҳнома №1177.

Хизматлар лицензияланган.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir v.b. Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati: Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamadjanov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev (mas'ul kotib v.b.)

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar: Andijon + 998 91 475-23-60; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 228-13-00; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 91 141-27-70; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Abdullayev
Navbatchi: J.Ergashev
Musahhih: N.Choriyev

Bosishga topshirish vaqti — 21:40
Topshirildi — 22:20

E-mail:xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 415 | 19386 nusxada bosildi | 1 2 3 4 6